



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЁШЛАР КЕНГАШИ

МАЖЛИС ҚАРОРИ

2013 йил 14 май

№ 1-4

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгаши
мажлисининг 2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Ёшларга оид сиёсати Концепцияси тўғрисида”ги 6-б сонли
қарори ва “Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
Ёшлар кенгаши тўғрисидаги Низом” ҳақида

Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори
жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун
ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишда
касаба уюшмаларининг иштирокини кенгайтириш мақсадида ёшлар сиёсати
Концепциясини, касаба уюшмалари тизимидағи ёшлар билан ишлаш
тузилмалари фаолиятини аниқ белгилаб бериш мақсадида Ўзбекистон таълим,
фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлиси қарор
қиласи:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгаши томонидан
таклиф қилинган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшларга
оид сиёсати Концепцияси”нинг янги таҳрири маълумот учун қабул қилинсин
(илова қилинади).

2. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар
Кенгаши аъзоларининг таклифлари инобатга олинган ҳолда “Ўзбекистон
таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши
тўғрисидаги Низом”нинг янги таҳрири маъқуллансин (илова қилинади).

3. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси
Марказий кенгаши Раёсатидан янги таҳирдаги “Ўзбекистон таълим, фан ва
маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши тўғрисидаги Низом”ни ўз
иифилишида кўриб чиқиш сўралсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон таълим, фан ва
маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши масъул котиби
И.Урманов зиммасига юклатилсин.

Ёшлар кенгаши раиси

С.Салахутдинов

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлисининг 2013 йил 14 майдаги 1-4 сонли қарорига 1-илова

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшларга оид сиёсати Концепцияси

Ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишда касаба уюшмаларининг иштирокини кенгайтириш мақсадида ёшлар сиёсати концепцияси ишлаб чиқилди.

Барча мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, корхоналар касодга учраши натижасида ишсизлик кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражаси пасайиши ёшларга ҳам салбий таъсир этмасдан қолмади. Умумий муаммолар билан бирга ёшларнинг муаммолари аниқ кўзга ташланса бошлади. Бунга, ишга жойлашиш ва дастлабки иш жойига эга бўлишдаги қийинчиликлар, ишсизлик даражаси, оила куриш ва рўзгор тебратиш ҳамда тўлақонли маданий ривожланишнинг қийинлашуви киради.

Шу ва бошқа муаммолар туфайли ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёхвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик сингари турли хавфли иллатлар кўпайиб, ҳалол меҳнатнинг нуфузи пасайиб бормоқда.

Касаба уюшма ташкилотларининг барчаси ҳам ёшлар билан тизимли, бир мақсадга йўналтирилган иш олиб бораяпти деб бўлмайди. Бу ўз навбатида касаба уюшмалари атрофига янги аъзолар келиб қўшилишини сусайишига, касаба уюшма фаолларини тайёрлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қўйида берилаётган ёшларга оид сиёсати концепцияси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунлари, ҳалқаро Конвенциялар ва стандартлар, ҳалқаро шартномалар, шунингдек Федерациянинг дастурий ҳужжатлари ва Устави талабларига мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларда белгиланган вазифаларни бажарилишига эришиш Концепциянинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жумладан:

Халқаро мәхнат ташкилотининг 103-Конвенцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилик ҳужжатларида оналикни муҳофаза қилиш бўйича тегишли шарт-шароитлар белгиланган. Корхоналарда имзоланадиган жамоа шартномаларида ёш оналарга янада имтиёзлироқ шароитларни назарда тутишга эришиш;

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар мәхнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч тадбирлар тўғрисидаги Конвенцияга асосан, болалар мәхнатининг энг ёмон шакллари муаммоси тўғрисида жамоатчиликни хабардор этиш ҳамда бу билан курашишни қўллаб-қувватлашга жамоатчиликни сафарбар этиш;

Халқаро мәхнат ташкилотининг 122-Конвенциясига биноан ишлашга тайёр ва иш излаётган барча шахслар учун иш мавжудлигини, бундай иш мумкин қадар маҳсулдор бўлишини, бандликни танлаш эркинлигини таъминлашни амалга ошириш. Ҳар бир ходимда ўзига яроқли бўлган ишни бажариш учун зарур малакага эга бўлиш, бандликнинг ўзи танлаган турида ўз малакаси ва қобилиятларини камситишсиз ишлата олиш учун кенг имкониятлар бўлишига эришиш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсатини асосий мақсади корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш, касаба уюшма фаолларини тайёрлаш ва уларнинг сафини ёшлар билан тўлдириш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадларга мувофиқ ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Федерацияга аъзо ташкилотлар ёшларнинг ижтимоий-иктисодий ва мәхнат соҳасидаги ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўқиши ва мәхнат қилиш, уй-жойга эга бўлиш, ишлаб чиқаришга доир масалаларни ҳал қилишда қатнашиш, етарли даромадга, тўлақонли дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш ҳақидаги қонуний кафолатларини кенгайтиришга кўмаклашиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

ходимларни касаба уюшма фаолиятига ва касаба уюшма аъзолигига жалб қилишга кўмаклашиш, касаба уюшма фаолларини ёшлар ҳисобига тўлдириш, тайёрлаш ва таъминлаш учун касаба уюшма ишларини фаоллаштириш, ёшларнинг ижтимоий фойдали ташаббуслари ва қизиқишлиарини амалга ошириш мақсадида уларнинг уюшишларига ёрдам бериш, ҳаётий масалаларни ҳал қилиш учун ёшларни ташабbus кўрсатиш ва мустақилликка ўргатиш;

Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ёшлар билан ишлаш тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш, ушбу ишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш;

касаба уюшмаларининг ёшлар билан ишлаш ва уларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган ижтимоий инфратузилмасини (санаторий-курорт муассасалари, спорт иншоотлари ва базалари, дам олиш ва туризм муассасалари, ўқув ва кўнгилочар марказлар, клублар) сақлаш ва ривожлантириш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг ёшларга оид сиёсатини мақсади 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар ва касаба уюшма аъзоларини ўз атрофига қамраб олишдир.

Ушбу мақсадда Федерациининг барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини ташкил этиш зарур. Ёшлар кенгашлари, комиссиялари раислари ва ташкилотчиларига касаба уюшмалари раҳбарларининг кадрлар заҳираси сифатида қараш тавсия этилади. Ёшлар билан ишлаш тузилмаларини фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Ёшлар кенгашининг асосий вазифасидир. Кенгаш таркиби ҳудудий бирлашмалар, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларига қўйи ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган 35 ёшдан катта бўлмаган касаба уюшма етакчиларидан иборат бўлиши зарур.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисига аъзо ташкилотларнинг ёшлар билан ишлаш тузилмаларининг бутун фаолияти, конкрет масалаларни ҳал қилишда касаба уюшма ташкилотларининг ташаббускорлиги ва мустақиллиги таъминланган ҳолда умумий тамойиллар ва мақсадларга бўйсунади, яхлит тизимга бирлашган ва ўзида ёшларга оид ягона сиёсатни акс эттиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг ёшларга оид ягона сиёсати давлат органлари ва манфаатдор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда сайлаб қўйиладиган касаба уюшма ташкилотлари органлари, мазкур органлар аппаратларининг тузилмавий бўлинмалари, касаба уюшма ташкилотларининг ёшлар билан ишлаш тузилмалари, касаба уюшмаларининг ўқув ва ижтимоий муассасалари томонидан маҳаллий, минтақавий, тармоқ ва умум давлат даражасида амалга оширилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг ёшларга оид сиёсати ҳалқаро ва хорижий касаба уюшма марказлари, хусусан Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига ва Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиб, улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, ҳамкорлик қилган ва ҳаракат бирлигига таянган ҳолда амалга оширилади.

II. Федерация миқёсида

Давлат бошқаруви органлари билан ишлаш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Ёшлар кенгashi Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгashi аппаратининг асосий тузилмавий бўлинмалари билан биргаликда Давлат бошқарув органларининг ёшлар хукуқларига тааллуқли масалалар бўйича қарорлари ва тайёрланаётган қонун лойиҳалари ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қиласи, экспертизани ташкиллаштиради, янги қонун лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади, амалдаги қонун хужжатларига ўзининг тузатишларини ишлаб чиқади ва таклиф қиласи ҳамда Олий Мажлис томонидан уларнинг кўриб чиқилишига эришади.

Уч томонлама музокараларни ўтказишида, Ўзбекистон Хукумати билан масалаларни муҳокама қилишда ёшлар хукуқларининг кафолатларини кенгайтиришга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон

касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаши ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасидаги Бош келишувга ёшлар учун қўшимча кафолатлар албатта киритилишига, уларнинг бажарилишини қатъий назорат қилинишига эришади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда қатнашиши, шунингдек ёшларнинг бепул таълим олиши ва касб-хунар ўрганишини сақлаб қолиш ва таъминлаш, ёшларнинг етарли иш ҳақи тўланадиган ишларга жойлашишига кафолат бериш, ёшларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун шароит яратиш, ёш оиласарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Ҳукумати ва иш берувчилар ҳамкорликда саъ-ҳаракатларини амалга оширишларига эришишни кўзлади.

Федерацияга аъзо ташкилотлар билан ишлаш.

Ёшларга оид сиёсатнинг жорий ва истиқболдаги масалаларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисига аъзо барча ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирумасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди. Унинг таъминланишига:

барча касаба уюшмалари ташкилотларида Ёшлар билан ишлаш тузилмаларини тузилиши;

ёшлар хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Федерацияга аъзо ташкилотларнинг биргаликдаги, ўзаро ҳамкорлик асосидаги тадбирларининг ўтказилиши;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларида ёшлар билан ишлашнинг аҳволини мунтазам равишда муҳокама қилиш, ҳар 2 йилда камида бир марта Федерацияга аъзо барча ташкилотларнинг вакиллари иштирокида ёшлар муаммоларига бағишлиланган Республика миқёсида конференциялар ва форумлар ўтказилиши;

сайлаб қўйиладиган барча касаба уюшма органларида ёшларнинг камида 30 фойзлик вакиллиги кафолатланишини жорий этилиши;

ёшлар билан ишлаш тузилмалари раҳбарларини барча тузилмалардаги касаба уюшма раҳбар органларига сайланиши;

ёшлар кенгашлари (комиссиялари) фаолиятининг молиявий таъминланиши, барча даражадаги касаба уюшмалари бюджетидан ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш учун маблағ ажратилиши;

турли тоифадаги ёшларнинг айрим муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштирилиши;

ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг алоҳида тоифалари билан ишлаш бўйича маҳсус дастурларни, шунингдек ёшларнинг алоҳида жуда ҳам ўтқир ижтимоий меҳнат муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши орқали эришиш.

Тарғибот ва ташвиқот ишлари.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаши бу борада жамиятнинг барча қатламларининг эътиборини ёшларнинг муаммоларига ҳамда касаба уюшмаларининг ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳатти-

ҳаракатларига, ёшларнинг ўзини эса касаба уюшма фаолиятига жалб этишга қаратиш лозим деб ҳисоблайди. Мазкур мақсадга эришиш учун:

касаба уюшмаларининг ёшлар билан олиб бораётган ишларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ва тизимли равища ёритиш;

“Ишонч”, “Ишонч-Доверие” газеталарида, касаба уюшмалари худудий бирлашмалари маҳаллий газеталарда ёшлар руқнларида мақолалар эълон қилишда давом этиш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига бағишлиланган алоҳида рисолаларни чоп этиш ва тарқатиш;

Оммавий ахборот воситалари орқали Федерацияга аъзо ташкилотларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича энг яхши тажрибаларини, ёшлар билан ишлаш тузилмалари, ёш касаба уюшма етакчилари ва фаолларининг фаолиятини тарғиб қилиш;

ёшларнинг куч-куватини, ташаббускорлигини, қизиқишлирини бунёдкорлик ишларига йўналтириб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнатга оид манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида касаба уюшмаларининг ахамиятини кўрсатиб бериб, уларга бўлган ишончни ошириш ва шу орқали нуфузини кўтариш;

касаба уюшмалари фаолиятига электрон оммавий ахборот воситаларини кенг жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг оммавий ижтимоий-маданий ва спорт тадбирлари (фестиваллар, танловлар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар) ўтказилишини ташкил этиш;

ўрта-махсус ва олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар дастурларига “Касаба уюшмалари ва ижтимоий шериклик”, “Касаба уюшмалари ва ёшлар”, “Касаба уюшмалари кимга ва нима учун керак?” мавзуларига бағишлиланган махсус дарслар, курслар ва маъruzалар киритилишига эришиш зарур.

Касаба уюшма фаолларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари.

Касаба уюшмаларининг ёшлар билан олиб бораётган ишларининг асоси касаба уюшма фаолларини ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг доимий равища тақомиллаштирилиши бўлиши керак. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши:

янги таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ёшлар орасидан касаба уюшма фаолларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар иштироқида ёшлар учун махсус таълим лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек ёшларни касаба уюшмалари тажрибасини ўрганиш учун хорижга стажировка ўташга жўнатиш амалиётини давом эттиради;

ёшларнинг конкрет муаммолари бўйича конференциялар, слётлар, форумлар, семинарлар, давра сухбатлари ўтказади;

Федерацияга аъзо ташкилотлардаги ёшлар билан ишлаш тажрибасини ўрганади ва жорий этади, жойларда ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича конкрет мисолларни тарғиб этади, касаба уюшмаларининг оммавий ахборот воситаларида, шунингдек радио ва телевидениеда ёшлар мавзусини мунтазам равища ёритиб боради;

Ёшлар билан ишлайдиган халқаро касаба уюшма тузилмалари билан алоқа ўрнатади ва ахборот алмашишни йўлга қўяди.

III. Тармоқ миқёсида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид ягона сиёсати доирасида Федерациясига аъзо ҳар бир касаба уюшмаси ўзининг тармоқ спецификасини ҳисобга олган ҳолда:

Марказий кенгашлар ўз тузилмасида Ёшлар кенгаши, соҳа бўйича республика бирлашган қўмиталари соҳа ёшлар комиссияси, худудий бирлашган қўмиталар, туман (شاҳар) кенгашлари ёшлар комиссиясини тузиши, аппаратида эса ёшлар ташкилотчисини ёки ушбу ишга масъул бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши билан ҳамкорликни амалга оширувчи ходимни (35 ёшгача бўлган) тайинлаши;

касаба уюшмаси раҳбар органларининг мажлисларида ёшлар билан ишлаш масалаларини кўриб чиқиши, касаба уюшмалари ёш аъзоларининг тармоқ конференцияларини ўтказиши ва уларда энг долзарб масалаларни муҳокама қилиши;

касаба уюшма аъзолигига ёшларни жалб қилиш бўйича фаол иш олиб бориши;

ёшлар билан ишлаш тузилмаси раҳбарининг касаба уюшмалари раҳбар органларida иштирок этишини таъминлаши;

ёш касаба уюшма ходимларининг профессионал маҳоратларини оширишларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чораларини кўзда тутиши, касаба уюшма ишига ўтишни рағбатлантириш, жумладан ижтимоий кафолатлар, бепул таълим ва ихтисос олиш имкониятини беришнинг таъсирчан тизимини яратиши;

тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларига ёшларнинг ижтимоий-мехнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишлиланган маҳсус бўлимларни киритиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишга эришиши;

ёшларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган кўёшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланиши лозимлигини уларнинг онигига сингдирувчи ҳар хил эслатма, қўлланма, тавсиялар ишлаб чиқишида ва бошқа тадбирларнинг ҳар бир корхонада амалга оширилишида фаол иштирок этиши;

ёшларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириши, нормал турмуш кечириши, меҳнат қилиши, ўқиши ва дам олиши учун шароит яратилишига эришиши;

ёшлар билан ишлашда тўпланган тажриба, муаммолар, талаблар ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашини тезлик билан хабардор қилиши;

ёшлар билан ишлаш тузилмалари ва касаба уюшма ташкилотларининг ёшлар билан олиб бораётган ишлари ҳақида тармоқ касаба уюшмалари ва маҳсус нашрларда материаллар чоп этиши, корхона ва ташкилотларда ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича конкрет мисолларни тарғиб қилиши;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашидан олинган ахборотларни тарқатилишини тўлиқ таъминлаши зарур.

IV. Ҳудуд миқёсида

Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсати концепцияси доирасида ўз тузилмаларида Ёшлар кенгашларини тузади, аппаратида эса ёшлар ташкилотчисини тайинлайди, ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномаларига “Ёшлар учун қўшимча кафолатлар” бўлимини киритишига эришади, минтақавий ёшлар дастурларини яратиш ва амалга оширишда қатнашади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари:

фаровон турмуш кечириш учун зарур иш ҳақи тўланадиган етарли иш ўринларини яратиш йўли билан ёшларни ижтимоий-иктисодий ҳимоя қилиш;

янги ишга қабул қилинган ёшларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, маҳсус кийим-бош ва пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланишида касаба уюшмаларига қўмаклашиш;

касаба уюшмалари сафларига ишловчи ва ўқувчи ёшлардан янги аъзоларни жалб қилиш, кўп сонли ёшлар ишлайдиган иқтисодиётнинг янги секторларида бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш;

ёшларнинг таълим олиши, ишга жойлашиши, касбий маҳорати ошиши ва бандлигига, кам таъминланган ёш оиласар, ўқувчилар, талабаларни уй-жой билан таъминлашга қўмаклашиш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

ёшларнинг оммавий ижтимоий, меҳнат, маданий, спорт ва бошқа тадбирларини уюштиришига, бўш вақтини мазмунли ўтказишига ва дам олишига қўмаклашиш;

ёш касаба уюшма фаолларини тайёрлаш ва ўқитиши;

касаба уюшмаларининг ёшлар билан олиб борадиган ишларини тарғиб қилиш бўйича ҳудудий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ўз дастурларини ишлаб чиқишни амалга оширади.

V. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида

Касаба уюшмаларининг ёшлар билан ишлашида жиддий ўзгаришларга бу фаолиятни конкрет корхона ва ташкилотларда кучайтирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Шу мақсадда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари:

касаба уюшма қўмиталари ҳузурида ёшлар комиссиялари тузиш ёки 100 нафардан кам ходимларни бирлаштирган касаба уюшма бошланғич ташкилотларида ёшлар ташкилотчисини тайинлаш;

ёшлар комиссияси раислари ёки ташкилотчисини бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг ўринбосарлари этиб сайлашга тавсия этиш;

ёшларга оид тармоқ ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда қатнашиш;

ёшларни касаба уюшмалариға жалб этиш бўйича фаол иш олиб боришилари;

янги ишга қабул қилинган ёшларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, маҳсус кийим-бош ва пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланишига эришиш;

жамоа шартномалариға ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига оид бўлимни киритишига эришиш ишларини амалга оширади.

Ёшлар комиссиялари ёки ташкилотчилари бутун касаба уюшма ташкилоти билан биргаликда ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлисининг 2013 йил 14 майдаги 1-4 сонли қарорига 2-илова

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг Ёшлар кенгаши (кейинги ўринларда – “Ёшлар кенгаши” деб юритилади) ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий дунёқарашини ўстириш, уларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш, барча поғоналардаги касаба уюшма тузимида ёшлар билан ишлашни ташкил этиш ва улар ишини такомиллаштириш учун тегишли тавсияларни тайёрлаш ҳамда амалий ёрдам қўрсатиш борасида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши (кейинги ўринларда – “Марказий кенгаш” деб юритилади), унинг тасарруфидаги ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун ташкил этилади.

2. Ёшлар кенгаши фаолияти бирдамлик, ҳамфикрлик, адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик, қонунийлик, масалаларни ечиш ва муҳоқама қилишда коллегиаллик, эркин овоз бериш принципларига асосланади.

3. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, Марказий кенгашнинг Уставига, Марказий кенгаш қурултойлари қарорларига, Марказий кенгаш Раёсати қарорларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

4. Ёшлар кенгаши таркиби Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотлар томонидан 35 ёшгача бўлган касаба уюшма фаоллари орасидан бир нафардан вакил йўллаш принципи яъни, Марказий кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари томонидан тавсия қилинган номзодлардан шакллантирилади ва Ёшлар кенгашининг мажлисида тасдиқланади.

5. Аъзоларни чакиртириб олиш ва алмаштириш, улар қайси тартибда Ёшлар кенгаши таркибига сайланган бўлса, шу тартибда амалга оширилади.

6. Ёшлар кенгаши фаолиятини Марказий кенгашнинг бош мутахассисларидан бири мувофиқлаштириб боради. Ёшлар кенгаши раиси Марказий кенгаш Раёсати томонидан тасдиқланади. Ёшлар кенгаши масъул котиби Ёшлар кенгашининг мажлисида сайланади. Ёшлар кенгаши раиси ва масъул котиби Ёшлар кенгаши раҳбарияти ҳисобланади.

II. Ёшлар кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари

7. Ёшлар кенгашининг бош мақсади - ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ва ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий дунёқарашини

ўстириш, уларни касаба уюшмалари фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш, касаба уюшмалари тизимиға ёш кадрларни тайёрлашга кўмаклашишдир.

8. Ёшлар кенгаши қуидаги вазифаларни амалга оширади:

ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий хукуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий дунёқарашини ўстириш борасида тасарруфдаги ташкилотлар, барча поғоналардаги ёшлар билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг ёшлар сиёсатини, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Марказий кенгаш, унинг тасарруфидаги ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларида ёшлар вакиллигини таъминлашга кўмаклашиш;

ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиш, муносиб иш ҳақи олиш, дам олиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасидаги қонуний хукуқларини кенгайтириш ишларида иштирок этиши;

ёшлар ўртасида касаба уюшмаси аъзолигига ундовчи омилларни кучайтириш, уларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғоя руҳида тарбиялашга, ёшлар орасида маънавий-маърифий ва маданий-спорт ишларини ўтказишга кўмаклашиш;

ёшлар салоҳияти рўйёбга чиқишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни ўзаро бирлашишига ёрдам бериш;

барча касаба уюшма ташкилотлари қошида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини ташкил этиши, улар ишига замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;

ёшлар сафидан касаба уюшмалари кадрлари захирасини тайёрлаш, уларнинг малакаларини оширишга кўмаклашиш;

болалар соғломлаштириш оромгоҳларида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини, миллий ўйинларни ташкил этиши ҳамда уларни юқори савияда ўтказилишида касаба уюшмалари тасарруфидаги ташкилотларига кўмаклашиш;

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотларининг ёшлар билан иш олиб боришдаги тажрибасини, ёшлар кенгашлари иши амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш, мазкур йўналишдаги ишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш.

III. Ёшлар кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари

9. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятини қуидаги йўналишларда олиб боради:

касаба уюшмалари ёшлар сиёсатини ривожлантиришда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг юқори органлари, тасарруфдаги ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ёшларнинг ижтимоий-иктисодий аҳволига оид маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда уларни жамоа келишувлари ва шартномаларига киритиш мақсадида таклифлар тайёрлаш;

тайёрланётган қонунлар, Ҳукумат қарорлари, жамоа келишуви ва шартномалари лойиҳаларини ёшлар хуқуқларига оид масалалар бўйича жамоат экспертизасидан ўтказишида иштирок этиш;

ишлаётган ва таълим олаётган ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат ҳокимияти органлари, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

касаба уюшмаларининг ёшларга оид сиёсатини такомиллаштириш масалалари юзасидан Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси фаолиятида иштирок этиш;

корхоналар, ташкилот ва муассасалар қошида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини ташкил этиш ва янада ривожлантириш ишларига амалий, ташкилий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш;

норасмий секторда банд бўлган ёшлар билан ишлаш, уларнинг ўзаро бирлашиш хуқуқини рўйёбга чиқаришга кўмаклашиш;

худудлар кесимида аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда иштирок этиш. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини улар билан мўътадил нархларда таъминлаш устидан мониторинг ўрнатиш;

ёшларни, биринчи навбатда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштирилиши ва бандлиги кафолатлари рўйёбга чиқарилишига кўмаклашиш;

ёшларнинг ўз-ўзларини банд қилишларига ёрдам бериш, ёшлар ўртасида кичик тадбиркорликни ҳамда ёшларнинг иш жойларини яратишга ёрдам берадиган жамият учун муҳим бошқа ташабbusларини қўллаб-куватлаш;

талаба ёшларнинг ўқишидан бўш вақтларда меҳнат қилиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш. Болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга оширишда иштирок этиш;

ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш;

касаба уюшмаларининг жамиятдаги ижобий сиймосини шакллантириш борасидаги ахборот ишларидан кенг фойдаланиш чораларини кўриш, Марказий кенгаш ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг ёшлар билан ишлаш тажрибасини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

ёш касаба уюшмалари фаоллари ва етакчилари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш. Ёшлар муаммоларига тааллуқли анжуман, конференция, форум, йиғилиш, семинар, давра сухбатларини ўтказиш;

касаба уюшмалари ёш аъзолари учун маданий-спорт тадбирлари, спартакиадалар, кўрик-танловлар, фестиваллар, республиканинг тарихий

жойларига саёхатлар, экскурсиялар уюштириш, реклама акциялари ва бошқа тадбирларни ўтказиши.

IV. Ёшлар кенгаши ваколатлари

10. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ, Марказий кенгаш Раёсати томонидан тасдиқланган Марказий кенгашнинг ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш ва такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қиласи ҳамда уларни тасарруфидаги ташкилотларга хизматда фойдаланиш учун юборади.

11. Ёшлар кенгаши касаба уюшмалари ташкилотларининг Ёшлар комиссиялари билан келишган ҳолда касаба уюшмалари ёшлар сиёсатини ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари ва вазифалари бўйича резолюция қабул қиласи.

12. Ёшлар кенгаши мажлиси қарорига асосан касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлик вазифаларига захира учун Ёшлар комиссиялари аъзоларига тавсиянома бериши мумкин.

13. Ёшлар кенгаши касаба уюшмалари ёшларининг муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида Марказий кенгашдан моддий ва ташкилий ёрдам сўрашга ҳақли.

14. Ёшлар кенгаши ёшлар сиёсатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганларни тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши томонидан мукофот жорий қилиши мумкин.

V. Ёшлар кенгаши ишини ташкил этиш

15. Ёшлар кенгаши мажлислари заруратга қараб, лекин йилида камида икки марта ўтказилади. Ёшлар кенгаши аъзолари умумий сонидан камида учдан икки қисми иштирок этган мажлис ваколатли ҳисобланади. Мажлисда иштирок этаётган Ёшлар кенгаши аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарорлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

16. Ёшлар кенгаши мажлислари оралиғида унинг номидан Ёшлар кенгаши Раҳбарияти иш олиб боради.

Ёшлар кенгаши фаолиятига Раис раҳбарлик қиласи. Раис иштирок эта олмаган тақдирда Кенгаш ишини масъул котиб бошқаради.

Ёшлар кенгаши ўз мажлисида тасдиқлаб оладиган иш режалари асосида фаолият юритади.

Кечиктириб бўлмайдиган масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида Ёшлар кенгаши Раиси тасарруфдаги ташкилотлар Ёшлар комиссияларига топшириклар йўллаши мумкин.

17. Ёшлар Кенгаши ва унинг Раҳбарияти таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қиласи, уларни Марказий кенгашнинг сайланма органларида кўриб чиқиш учун киритади, амалий ишда фойдаланиш учун Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотларига юборади.

18. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятида “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ёшлар масалалари билан шуғулланувчи бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи.

19. Ёшлар кенгаши ўз мажлисларида иштирок этиш учун давлат ҳокимияти органлари, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари, шунингдек Марказий кенгашнинг вакилларини таклиф қилиши мумкин.

20. Ёшлар кенгаши ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг мутахассислари ва олимларини жалб этган ҳолда ишчи гурухлар, комиссиялар тузиши мумкин.

21. Ёшлар кенгаши раиси:

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг Қурултойларида, Марказий кенгашнинг Раёсат йиғилишларида, бошқа жамоат ташкилотларида, иш берувчилар уюшмаларида, давлат ҳокимияти органларида Ёшлар кенгаши номидан иш кўради;

Ёшлар кенгашини чақиради ва мажлисини ўтказади.

22. Ёшлар кенгаши мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш, иш юритиш ҳамда баённомаларни расмийлаштириш Ёшлар кенгаши раиси ва масъул котиб томонидан амалга оширилади.

23. Ёшлар кенгашининг фаолияти Марказий кенгаш сметаси доирасида молиялаштирилади.

VI. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар Ёшлар кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги

24. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотларда Ёшлар комиссиялари тузилади.

25. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – “Тасарруфдаги ташкилотлар Ёшлар комиссиялари” деб юритилади) доимий ҳаракатдаги орган ҳисобланади.

26. Тасарруфдаги ташкилотлар Ёшлар комиссия(ташкилотчи)лари:

- фаолиятини мазкур Низомга асосан амалга оширади;
- ўзининг аниқ режалари, дастурлари ва чора-тадбирларини амалга оширади;

- Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши қарорларини бажарилишини таъминлайди;

- ўз таркибига аъзолар меъёрини белгилайди;

- Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгашига ҳисобот берив боради.

VII. Ёшлар кенгаши фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш

27. Ёшлар кенгаши фаолиятини тўхтатиши ёки қайта ташкил этиши Марказий кенгаш Раёсати қарорига биноан амалга оширилади.